ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Марказда 2018-2019 ўқув йилида жаҳоннинг етакчи мамлакатлар ва Афғонистон Ислом Республикасидан бир гуруҳ масъул раҳбарлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ташриф буюрдилар.

1.Жумладан, 2018 йил йил сентябр ўйида Балх вилоятининг бир гуруҳ фаоллари Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди ва Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази билан яқиндан танишдилар.





2.Афғонистон Ислом Республикасининг Балх вилояти, Ҳайратон шаҳар Мери бошчилигидаги делегация Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказига ташриф буюриб, ушбу марказ фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ташриф давомида меҳмонлар марказ фаолияти ҳамда талаба-ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун яратиб берилган барча шарт-шароитлар билан танишдилар. Ўқув йили давомида талабаларимиз томонидан турли соҳадаги тўгараклар фаолияти ҳамда ўқув, маънавий-маърифий ва спорт соҳаларида эришилган ютуқлар меҳмонларимизни жуда қувонтирди. Ташриф давомида талабамиз Жамшид Шерзод, Худойназар Назарий, Саиджалол Саодатзода, Собира Якубийлар меҳмонларга 7 ой мобайнида Ўзбектилида равон гаплашишни ўргангани меҳмонларимиз дакатта тааъсурот қолдирди. Мартабали меҳмонлар Хайратон шаҳрининг барча ёшлари ушбу марказда таълим олишни орзу қилишлари ҳамда келгусида ушбу ёшларни бу ерда кўпроқ ўқишлари учун уларни қўллаб-қувватлаш борасида режалар ишлаб чиқишни таъкидлаб ўтдилар.






3.Термиз шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё Ёшлар Дўстлик форумига келган ёшлар Марказига ташриф буюришди, унда Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган фаол ёшлар марказ талаба-ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун яратиб берилган барча шарт-шароитлар билан танишиб, ушбу марказ фаолияти уларда ижобий тааъсурот қолдиргани ва ҳар бир ёш бу каби марказда таҳсил олишни орзу қилиши табиий эканлиги ҳақида таъкидлаб ўтдилар. Ушбу форумда марказнинг 12 нафар талабалари ҳам фаол қатнашиб Афғонистон ИРнинг кечаси, бугуни ва эртаси тўғрисида қилган чиқишлари барча қатнашувчи ёшларнинг қабига ижобий муҳрланди. Форум доирасида марказ футбол жамоаси 1-ўринни эгаллади.





4.Афғонистон ИРсининг Жавузжон вилояти Шибирғон шаҳрида фаолият юритувчи “Барлос” номли шахсий Олий таълим муассасаси раҳбари Хайр Мухаммад Хайри ва Афғонистонлик хусусий тадбиркор Хайруддин Хабирлар марказга ташриф буюрдилар. Сухбат давомида Х.М.Хайри ўзининг талабаларини Марказда магистратура соҳасида ўқишларини давом эттиришларига рухсат мавжудлиги хусусида қизиқди. Бу Афғонстон халқи учун яратилган бундай имоният бирон бир мамлакатда йўқлигини ва марказ фаолиятини янада кенгайтириш таклифларини беришди.





5. Россия Федерациясининг «Россия-К» телеканали, Ўзбекистоннинг «Севимли» ва Сурхондарё вилояти “Ишонч” ТРКдан бир гуруҳ ижодроклар марказ фаолияти билан тўлиқ танишдилар, талабалар билан сухбат қилишди ҳамда махсус кўрсатув учун тасвирга туширдилар.





6. Ўзбекисто Республикасиннинг Мазори-Шариф шаҳридаги Консуллик бўлими бошлиғи Миродулла Абдураззоқов, Афғонистон ИРдаги “Ғазанфар Гроуп” СОЛТД раҳбари Иброхим Ғазанфар марказ шароитлари билан яқиндан танишиб ва талабалар билан суҳбатлашдилар.





7.Афғонистон ИР Мозори-Шарифлик хусусий тадбиркор Намир Софи марказимизга ташриф буюрди. Тадбиркорнинг марказ раҳбарияти билан ҳамкорлик суҳбати ўтказилди. Унинг мақсади Термиз шаҳрида Афғонистон-Ўзбекистон саломатлик марказини очиш ва хусусий таълим муассасасини очиш, шунингдек, Намир Софи марказ талаба ёшлар билан суҳбатлашди.





8.Афғонистон ИРси Президенти Девонхонаси ва Молия Вазирлиги вакиллари ташриф бюрди Меҳмонлар Фавзий Орол Афғонистон ИРси Президенти девонхонаси масъул ходими Сангин Сакандари Афғонистон Ислом Республикасининг Термиз шахридаги консуллик идораси рахбари Мухаммад Исхок Бараки Афғонистон Ислом Республикаси Молия вазирлигининг хорижда таҳсил олаётган афғон талабаларини молиялаштириш буйича масъул ходими, меҳмонлар талабаёшлар билан суҳбатда бўлди ҳамда талабаларнинг 10 ойлик стипендия пулларини тарақатишди.





9.Швейия давлатининг “ТВ-4” телеканали аъзолари марказ фаолиятини махсус кўрсатув олиш учун ташриф буюришди. Мухбир Т.Кристианссон марказнинг барча яратилган шароитлар, яъни,талабанинг кунлик фаолияти билан тўлиқ таниши талаба ёшларнинг қобилиятли эканлигидан хурсанд бўлди.







10.Марказ талаба- ёшлари билан Ўзбекистон Республикасидаги Европа Иттифоқининг Ҳамкорлик

делегацияси учрашуви бўлиб ўтди. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида талабалар учун мавжуд шарт-шароитлар: ўқув хоналари ва жиҳозлари, талабалар ётоқхонасининг имкониятлари, овқатланиш ҳамда бошқа яратилган қулайликлар, дарсдан кейинги тўгараклар билан яқиндан танишдилар. Марказда таҳсил олаётган талабалар билан учрашиб Афғонистон Ислом Республикасининг иқтисодий-сиёсий ҳолати ва уердаги хотин қизларнинг ижтимоий аҳволи ҳақида суҳбат ўтказилди. Европа Иттифоқи вакиллари Француа Бежо – Ўзбекистон Республикасидаги Европа Иттифоқининг ҳамкорликда яратилган имкониятлар, улар томонидан амалга оширилган ишлар билан танишди Акмал Рустамов – Ўзбекистон Республикасидаги Европа Иттифоқининг ҳамкорлик делегацияси менеджери, Керел Ле Дюк – Ўзбекистон Республикасидаги Европа Иттифоқининг ҳамкорлик делегацияси вакили (Буюк Британия) Садаф Абид – Ўзбекистон Республикасидаги Европа Иттифоқининг ҳамкорлик делегацияси вакили (Покистон) марказда таълим олаётган иқтидорли талабаларга эсдалик совғалар беришди. Шунингдек, марказ иқтидорли талабалари томонидан тайёрланган ижод намуналари совға қилиндилар. Уларга келажакда талаба қизлар билан яқиндан суҳбатлашиш натижасида Марказ базасида Афғон хотин қизларини ўқитиш бўйича бир лайиҳа қилиш кераклигига тўхталди.



11.Афғонистон Ислом Республикасининг Жовузжон вилояти ҳокими Мовлавий Лутфулла Азизий, депутатлар ва бир қанча тадбиркорлар марказга ташриф буюришди. Уларнинг талабалар билан суҳбатлашиш жараёнида талабаларнинг айтган фикрлари меҳмонларни жуда қувонтирди. Уларни Афғонистонда яхши мутахассис сифатида ишга қабул қилинишларини таъкидладилар.






12.БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили Хелени Фрейзерхоним ташриф буюрди. Марказда давдатимиз томонидан махсус Афғонистон фуқаролари учун яратилган шароитлар талабаларнинг эришган

ютуқлари билан танишдилар.



13.БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси вакиллари Ашита Миттал, Кунихико Аида, Архипова Евгения, Тилавов Музаффар делегация азолари ташриф буюришди ва ташриф давомида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида талабаларга яратилаган шарт-шароитлар: ўқувхоналари ва жиҳозлари, талабалар ётоқхонасининг имкониятлари, овқатланиш ҳамда тўгаракларнинг фаолияти билан яқиндан танишишдилар.





14.Германия ФРнинг Мазори-Шариф шахридаги Бош консуллик идораси вакиллари Карстен Геер, Карл Моритс Лайфген, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматулла Эргашев Мозори шарифдаги вакили Миродулла Абдураззаковлар марказ фаолияти билан тўлиқ танишди. Яратилган имкониятлар ва талабалар билан сухбатлашиш натижасида ушбу марказ фаолияти тўғрисида кенг тушунчаларга эга бўлишди. Келажакда Германия давлати томонидан мухсус семинарлар кичик ўқув курсларини ташкил этиш таклиқлари берилди.





15.ГФРнинг КФW Банкининг вакиллари Тҳомас Лух, Евелина Тотева ҳамда 4 нафар ГИЗ ташкилоти ходимлари ташриф буюришди. Ташриф давомида Афғонистон Ислом Рекспубликасининг тиббиёт соҳасини ривожлантириш, оналик ва болалаикни ҳимоя қилиш ҳамда туберкулез касаллигига қарши кураш иш харакатини такомиллаштириш бўйича фикр алмашишди.






16.Буюк Британиянинг “Мотус” кино компанияси вакиллари Роджер Прайс, Стив Смит, Ли Сатгерби, Евгения Харрисон марказ фаолияти ва талабаларига яратиб берилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Телеканал азолари марказнинг дарс жараёнларини кузатишди ва талабалардан интервию олдилар.





17.Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчисининг маслаҳатчиси Чжан Вэньчуань ва учинчи секретари Ван Лихуа марказга ташриф буюрди Ташриф давомида меҳмонлар АРМ, ўқув ва лаборатория хоналари, лингафон, транспорт, информатика, конференция зали, ошхона, спортзал, фаоллар зали, сартарошхона, тўгарак хоналари ва талабалар турар жойлари каби объектлар билан танишдилар.

Марказда афғонистонлик ёшлари учун яратилган шароит ва имкониятлар меҳмонларимизда катта тааъссурот уйғотди.



Жаноб Чжан Вэньчуань ушбу таълим маркази ҳақида ўз фикрларини билдирар экан, энг аввало ушбу

марказни яратишда бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевга биз ҳам ўз миннатдорлигимизни билдириб, Хитой Халқ Республикаси ҳам ушбу марказ фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди. Келажакда хамкорликда лойиҳалар қилиш бўйича келишиб олинди.



18. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакиллари П.Буриан, Р.Кобиа, Э.Стипрайс , М.Рамакерс ,ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматулла Эргашев бошчилигидаги делегация ташриф буюрди Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолияти ва талабаларга яратилган шарт-шароитлар, ўқувхоналари, талабалар ётоқхонаси ,овқатланиш ҳамда бошқа яратилган қулайликлар билан яқиндан танишишдилар.

Марказда таҳсил олаётган талабалар билан учрашиб Афғонистон Ислом Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий,сиёсий соҳаларда амалга ошираётганишлар билан яқиндан танишишди.





19.Афғонистон Ислом Республикасининг “РТВ” телеканали вакиллари марказга ташриф буюрди ва АФЎТ марказини суратга олдилар ва кўрсатув тайёрладилар.




20. Афғонистон Ислом Республикаси Балх вилояти ҳокими Мухаммад Исҳоқ Рахгузар жаноблари Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдуғани Ҳасанзода ҳамда Халқаро Бахшичилик фестивали совриндори Афғонистонлик Шерван Жума Анна бахши марказга ташриф буюрдилар. Учрашув бошида Афғонистон Ислом Республикаси Балх вилояти ҳокими Мухаммад Исҳоқ Рахгузар сўзга чикиб, йигилишда катнашаётган барча талабаларнинг соғлиги ва ўкишдаги муваффақиятлари, яратилган шроитлари билан қизиқдилар. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва вилоят хокимлиги томонидан Афғонистон ИРга катта ёрдам кўрсатаётганлигини, сизлар ва бошқа Афғон халқи учун бундай барча қулайликларга эга бўлган марказнинг фаолият юритиши бу бизнинг бахтимиз дедилар. Сизлар кўпроқ ўқиб Ўзбекистондаги ютуқларни Афғонистон халқига етказиш масуълиятини олиш керак дедилар.




20.Американинг Марказий Осиё (Қирғизистон)даги университети витце- президенти Чингиз Шамшиев ташриф буюрди. Витце-президент учрашув давомида Университетда мавжуд факултетлар ва йўналишлар бўйича фикр билдириб, Марказда таҳсил олаётган талабалардан университетга бориб ўқишлари шу билан биргаликда магистратурага ҳам ўқиш имкониятлари борлигини айтиб ўтди. Университетга Афғонистон

Ислом Республикаси фуқароларнинг ҳам ўқиши учун етарли даражада имкониятлар яратилганлиги таъкидлади,





21. Афғонистон Ислом Республикаси Тадбиркор аёллар уюшмасининг вакиллари Сона Маҳмудий, Мумтоз Ёусафзаи, Моссода Ширдел Коҳистони ва бошқалар марказда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар


22.Афғонистон Ислом Республикасидан “Бойсун бахори” халқаро очиқ фольклор фестивали иштирокчиси бахшичилик саънати номинатцияси ғолиби Абдулмажид Андхуйи Марказ талабалари билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та мухим ташаббус”






доираси учрашувда иштирок эртиб ўз ижод намуналардан баҳраманд қилди.

23.Словакия давлатининг Ўзбекистондаги Ф ва М Элчиси Афғонистон фуқароларини ўқитиш бўйича таълим маркази фаолияти билан ОАВлар орқали кенг миқёсда танишиш натижасида Словакия хукумати раҳбари Мирослав Лайчак томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш учун беғараз кўнгилли ёрдам сифатида 10 минг Евро миқдорида чек топширди.





24.Ўзбекистон-Афғонистон давлатлари ўртасидаги ижтимойи-иқтисодий, савдо-сотиқ соҳаларда ҳамкорликни ўрнатиш мақсадида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида 22-23 май кунлари “ЎЗБЕКИСТОН- АФҒОНИСТОН БИЗНЕС ФОРУМИ” бўлиб ўтди Ушбу бизнес форумга Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасидан масъул рахбарлар, тадбиркор ва ишбилармонлар ташриф буюрдилар. Икки давлат тадбиркорлари ўзлари ишлаб чиқарган махсулотлари, ички имкониятлари, қишлоқ хўжалиги, саноат, туризм, ва саломатлик туризмини ривожлантириш мақсадида тақдимотлар қилишди. Бизнес форумда Савдо ва саноат вазири ўринбосари Муқаддас Юриш бошчилигидаги давлат идоралари ва ишбилармон доира вакилларидан иборат 60 нафарга яқин Афғонистон делегацияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Икромов Адҳам Илҳомович , Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов ҳамда мамлакатимиз вазирлик ва қўмиталари, ишлаб чиқарувчи корхоналар ва тадбиркорлар субъектлари вакиллари иштирок этди. Ушбу бизнес форумда асосий таржимонлик ишларини марказ ходимлари ва талабалар амалга оширди.

25. 2019 йилнинг 23-24 май кунлари Марказда Германиянинг "GIZ" халқаро ташкилоти томонидан ташкиллаштирилган "Давлатнинг барқарор ривожланишида маъмурий ҳуқуқнинг ўрни" мавзусида семинар булиб ўтди.

Семинарда Афғонистон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг адлия ходимлари ўқитилди.



Семинарда Германия Федератив Республикасидан делегация раҳбари, Хитой, Марказий Осиё, Шарқий Осиё, Лаос ва Камбоджа блоклари таъсисчиси Катҳрин Оеллерс, ГИЗнинг Ўзбекистондаги вакили Андреа Муск, "GIZ"нинг Россиядаги бўлим бошлиғи Ҳеинрич Юрген Счиллинг, "GIZ"нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Жорг Пуделка,

"GIZ"нинг бош бошқарувчиси Кимбат Дикамбаева, "GIZ"нинг Ўзбекистондаги Давлат бошқаруви маслаҳатчиси Марсел Счвисксрт, Германиянинг Берлин-Бранденбург Маъмурий Суд Раиси Юрген Кипп, Ўзбекистондаги "GIZ" дастури раҳбари Кристине Коре-Перконе, Афғонистон Ислом республикасидан Балх Университети хуқуқ факультети профессори Тамана Ноор, Балх вилояти прокурори Шафиқа Шафиқ, адвокат Бебе Раиҳана Азизи, Балх вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи Амин Амини, Балх Университети ҳуқуқ факультети декани Юсуфзаи Ҳуқуқ, Бадахшон вилоятидаги хусусий университетда ўқитувчи ва бир вақтнинг ўзида адвокат Навидулло Ғафури, Бадахшон вилоятидаги хусусий университетда ўқитувчи Абдул Малик Анвари, "GIZ"нинг Афғонистондаги вакили Заки Аюби, "GIZ"нинг Афғонистондаги Қонун устуворлигини илгари суриш бўйича лойиҳа раҳбари Флориан Ҳансен ва таржимон Навид Нидаилар, Ўзбекистон Республикасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Суди судьяси Шуҳрат Саидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Олим Кариев,Сурхондарё вилоятидан бир қатор суд идоралари вакиллари ҳамда Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказидан ўқув муассаси директори О.Рўзиевиштирок этдилар.

26.АҚШнинг ”CHN” телеканали мухбири Чилсоте Рян Гтизен оператор Брадлов Муҳаммад Адил, 2 июн куни Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказига ташриф буюрдилар.**У**лар марказда яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Телеканал аъзолари Марказнинг дарс жараёни, дарсдан бўш вақтларда талаблар нима билан шуғулланиш жараёнларини суратга олдилар. Талаба ёшлар Муҳаммад Шекиф, Худойназар Назари , Латифа Нурий , Баракатулло Ниёзийлар, Ҳизбуллоҳ Расолийлардан интервию олдилар.




27. Мазори-Шариф шаҳридаги “Хонаи Нур” хусусий мактаби жамоаси ўқувчилари Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказига ташриф буюришдилар марказ шароити билан яқиндан танишдилар.




28.16 июн куни Афғонистон Ислом Республикаларининг Тахор давлат университети ректори Хайриддин Хайирхоҳ, Тарбиялаш институти директори Камолиддин Камол ва бошқа бир қанча профессор ўқитувчилар Марказгаташриф буюрдилар Марказда афғон ёшлари учун яратилган шароит ва имкониятлар меҳмонларимизда жуда катта ижобий тааъссурот ўйғонди.

Ташриф сўнгида меҳмонлар талабалар билан очиқ мулоқат тарзида суҳбат уюштиришди. Суҳбат чоғида талабалар марказ ҳақида илқ фикрларини билдирдилар. Шунингдек ўз ёзган шеъларидан намуналар ўқиб бердилар меҳмонлари ҳам ушбу марказда яратилган шарт-шароитларни юқори даражада баҳолаб, бу ҳамкорликни янада кенгроқ миқёсда давом эттириш лозимлигини таъкидладилар

29.“Ёшлар ойлиги” доирасида 19-20 июн кунлари Сурхандарё вилоятида Ўзбек-Тожик ёшлари форуми бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Тожикистонлик ёшлар марказ фаолияти билан тўлиқ танишдилар. Марказ талабалари билан спорт, санъат, шерият бобида ўзара беллашдилар.





30. Афғонистон Ислом Республикасининг Балх виляти маркази Мозори Шариф шаҳрида 1-5 июлькунлари “Made in Uzbekistan” номли Бизнес форум бўлди. Ушбу бизнес форумда Марказ рахбарияти Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча ОТМ ва марказдаги таълим йўналишлар тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширилди.




31.Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хитой Халқ Республикаси ҳамда Афғонистоннинг Ўзбекистондаги элчихоналари ҳамкорлигида Афғонистоннинг қишлоқ хўжалиги, ирригацияси ва чорвачилик масалалари бўйича маъсул мутахассислари учун 15 кунлик семинарни ташкил қилинди.




32. 14-18 июл кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши ва кўргазма бўлиб ўтди. Йиғилишда Афғонистон фуқароларни ўқитиш таълим маркази вакиллари қатнашдилар




34.Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси маслаҳатчиси Суда Атсуши ташрифи

Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси маслаҳатчиси Суда Атсуши ташрифи 2019 йил 22-август куни марказга ташриф буюрди меҳмони марказга келишини асоси мақсади Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида талабалар учун мавжуд шарт-шароитлар: ўқув хонадари ва жиҳозлари, талабалар ётоқхонасининг имкониятлари, овқатланиш ҳамда бошқа яратилган қулайликлар билан яқиндан танишиш ҳамда Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси имкониятлари орқали Марказга моддий ёрдам кўрсатиш.

Меҳмонлар ўз ташрифларини Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг ҳозирги ҳолати, талабалар учун яратилган шароитлар ва келажкдаги имкониятлари билан танишишдан бошлашди.





35.Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Термиз шаҳридаги “Амударё“ халқаро ёшлар оромгоҳида Афғонистон Ислом Республикасида истиқомат қилаётган этник ўзбек ёшлари учун 20-24 август кунлари “Дўстлик“ оромгоҳи ташкил этилди. Дост Ҳамидуллаҳ бошчилигидаги ушбу тадбир иштирокчилари Афғонистон фуқароларни ўқитиш таълим марказига жорий йилнинг 23 август куни ташриф буюришди. Меҳмонлар Марказ раҳбарияти томонидан илиқ кутуб олиниб марказдаги АИР талабалари учун яратилган шарт-шароитлар ва марказда таҳсил олаётган Афғонистонлик ёшлар эришган ютуқлар билан таништирилди.

АИР ёшлари марказда яратилган шарт – шароитларни кўриб жуда хурсанд бўлишди ва ўзларини қизиқтирган саволлар билан танишдилар. Бундан ташқари уларнинг кўпчиллиги ушбу марказда ўқиш иштиёқи борлигини билдиришди. Шунингдек бу марказ ҳақида АИР даги кўпгина ёшлар ўқиш истаги борлигини билдиришди. Ташриф сўнгида Ўзбекистон ва

Афғонистон ўртасидаги бу тинчлик алоқалари доимий бўлишини ҳамда бунинг натижасида кўплаб АИР ёшлари илм олиш имкониятлари борлигидан мамнунлигини билдиришди.




36,Афғонистон Ислом Республикаси Самангон вилояти ҳокими Абдул Латиф Иброҳимий бошчиликдаги делегация 28 Август 2019 йил марказига ташриф буйиришди.

Делегация аъзолари ўз ташрифларини Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг ҳозирги ҳолати, талабалар учун яратилган шароитлар ва келажакдаги имкониятлари билан танишишдан бошлашди. Меҳмонлар Марказдаги шароит билан тўлиқ танишиб чиққач ўзларининг самимий фикрларини билдиришди. Биз бунақанги шароитлар мавжудлигини тасаввур қилмаган эдик. Марказдаги шароитларни кўриб Ўзбекистон Президенти ва Ўзбекистон халқига бўлган хурматимиз янада ошди. Бу ердаги имкониятлар биз Афғонистонликларни нафақат ўқишимиз, балки барча имкониятлари мавжуд бир шароитда яшашимиз учун ҳам етарлидир. Биз ишонамизки бу ерда таълим олган фарзандларимиз бирор соҳада дунёнинг бошқа ОТМ таҳсил олган талабалардан кам бўлишмайди. Яшасин Ўзбекистон ва Афғонистон дўстлиги.




37.АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулотда ва мухтор элчиси Дениел Розенблюм бошчилигидаги делегация 16 сентябрь 2019 йил **Марказга ташрифи буйирдилар**

Ташрифни **мақсади** Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида талабалар учун мавжуд шарт-шароитлар: ўқув хоналари ва жиҳозлари, талабалар ётоқхонасининг имкониятлари, овқатланиш ҳамда бошқа яратилган қулайликлар билан яқиндан танишиш.

Марказда таҳсил олаётган талабаларнинг илм савиясини янада ошириш ҳамда таълим муассасаси моддий базасини ривожлантириш юзасидан ҳамкорликда ишлар олиб бориш кераклиги тўғрисда фикр юритди. Ташриф доирасида, Д.Роземблюм раҳбарлигидаги делегация аъзолари Марказ кутубхонаси фондини бойитиш мақсадида 20 яқин инглиз тилидаги ўқув қўлланмаларини тақдим эдтилар.

Делегация аъзолари ўз ташрифларини Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг ҳозирги ҳолати, талабалар учун яратилган шароитлар ва келажакдаги имкониятлари билан танишишдан бошлашди.

Шунингдек, хорижий меҳмонлар билан бўлиб ўтган учрашув давомида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси ўз сўзини Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуслари билан қисқа вақт ичида Афғонистонлик ёшлар учун Марказда барча шароитлар яратиб берилганлигини ўз кўзлари билан кўриб илиқ фикрлари билан бошлади. Д.Роземблюм таълим муассасасида талабаларга яратилган шароитлар, уларнинг иқтидорини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор таҳсинга лойиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Суҳбат давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон масаласи бўйича махсус вакили И.Р.Иргашев Марказда таҳсил олган “Ўзбек тили ва адабиёти” йўналиши бўйича 96 нафари битириб ўз юртига кетганлиги, 14 нафар Кишлоқ хўжалиги бўйича масъул раҳбарлари малака оширганлиги ҳамда бугунги кунда “Ер усти транспорт тизимлари ва уларни эксплуататсияси” (вагонлар ва локомотивлар) таълим йўналиши бўйича таълим олаётган 25 талаба хусусида ўз фикрларини билдириб, яқин кунлар ичида АИР Олий таҳлим вазирлиги томонидан яна 200 нафар талабанинг Марказга ўқишга жўнатилиши режалаштирилаётганлигини айтиб ўтдилар.





38.2019-йилни 19-21сентябр кунлари Тошкент шахрида бўлган «ЮКСАЛИШ» умуммиллий харакати ва Конрад Аденаур Стифтунг билан ҳамкорликда ташкил этилган «Рақамлашув, иқтисодиёт, хавфсизлик ва барқарор ривожланиш:

Марказий Осиё ва Эвропа иттифоқи усун истиқболлар» мавзусидаги ёшлар конгрессида марказ директори ва иқтидорли талабалари фаол иштирок этилар.



